

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 40 (4031).

26

ФЕВРАЛЬ

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Бугун Надежда Константиновна Крупскаянинг туғилганига 100 йил тўлди.

ЛЕНИННИНГ ДЎСТИ ВА САФДОШИ

Курашчи ва даҳоларнинг ҳаёт йўли машаққатлидир. Бундай кишиларда ўз атрофидагилар билан кескин ажрашиб кетиш ҳоллари оз бўлмайди. Владимир Ильич ҳам бир ўзи ҳаммага қарши туришга тўғри келган. Бундай ёлғизлик кишига энг қаттиқ синовдир. Лекин, Владимир Ильич ҳеч қачон ёлғиз эмасди. Унинг ёнида ҳаммаша-солдиқ сафдоши Надежда Константиновна турарди... Инсоният ҳамма меҳнаткашлар дунёсига энг қадрдон киши учун бу аёл қилган барча ишларни ҳеч қачон унутмайди.

Г. М. КРЖИЖАНОВСКИЙ.

Крупская, шубҳасиз, эзилганлар ва ҳўрланганлар ишига содиқлик борасида биринчи аёл эди... У Лениннинг ўнг қўли, унинг энг асосий ва энг яхши котиби, унинг энг эътиқодли ғоявий дўсти, қарашларининг энг билимдон тарғибчиси эди.

Клара ЦЕТКИН.



АТОҚЛИ АРБОБ, МЕХРИБОН МУРАББИЙ

Бугун Надежда Константиновна Крупская туғилган кунга бир аср тўлди. У ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг улғур доҳийси Владимир Ильич Ленин билан бирга бўлди, бирга курашди.

Крупская Петербургда туғилди. Отаси — Константин Игнатьевич Крупский (1838—1883) Петербург ҳарбий-юрисдик академиясини битирган, рус офицерларининг бирмунча ялғор, демократик кайфиятдаги турмушта қўшилган бўлиб, онаси — Елизавета Васильевна (1842—1915) Петербургдаги Павловский институтини тутатган эди.

Ота ва она ёлғиз қизларининг тарбиясига катта эътибор берди. Отасининг нафотида келин Надежда Константиновнанинг онаси то умрининг охиригача қизининг йўлдоши бўлди. Қизи Сибирга сургун қилинганда Елизавета Васильевна бирга борди. Муштарип она сургунда, муҳожирликда қизи ва Владимир Ильичнинг энг меҳрибон кишиси, ҳамхўри бўлди.

Н. К. Крупскаянинг меҳнат фаолияти жуда эрта, гимназияда ўқиб юрган йилларидаёқ бошланган эди. 1883 йили отаси вафот этганидан кейин Надежда Константиновна хаттоғлик қила бошлади, шаксий дарслар берди. Гимназияни тутатганидан сўнг репетитор бўлиб ишлади, аёллар мактабига муаллимлик қилди.

1890 йилдан бошлаб Надежда Константиновна Петербургдаги студент-технологлар Я. П. Коробка ва Р. Э. Классонинг марксистик тўғарақларидаги ишларда қатнашди. Ана шу тўғарақларда Крупская биринчи бор жаҳон пролетариатининг доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг номини эшитди, жамият та-

рақийнги қонунилари ҳақида фан бориғини билди. Маркснинг «Капитал» асари билан биринчи марта танишди. «Дастлабки икки бобини ўрганиш жуда қийин бўлди, — эслайди Н. К. Крупская, — лекин учинчи бобдан бошлаб иш юришиб кетди. Мен худди ташналитини қондираётгандек сезардим. Йўлни яқин террордан, толстойча мадақа оширишдан излаш керак эмас. Қўдратли ишчи ҳаракати — мушкулли осон қилдирган йўл мана шу». (Педагогик асарлар, 1 том, 34-бет, русча нашр).

Маркс таълимидан ўзини тўлқиндандиётган масалаларга жавоб топган йигирма ёшли Надежда Крупская ана шу таълимнинг тарғибчиси бўлиб қолди, яқинбаллик — кечин мактаб («Смоленск синфлар») да Петербург чеккасидаги ишчиларга дарс бера бошлади.

Айрим биографлар Ёзанидек, Крупская халқ ўқитувчиси бўлган эмас. Мактабга у бошқа революционер марксистлар сингари тарғиботчи бўлиб борди. Мактаб унинг учун ишчилар оммасига Маркс ва Энгельс таълимидан етказиш, ўз ўқувчиларида революцион норозилик кайфиятини уйғотиш, уларнинг синфий бонини бекитириш учун яроғлиқ бир имонит эди. «Мен ишчилар ҳаракатида геозроқ актив нафашишини хоҳлардим. Энг аввал технологларимиздан мента ишчи тўғараги беришларини сўрадим. Ленин у лайтларда технологларимизнинг ишчилар билан алоқаси учалик кучли эмас эди, мента тўғарақ бериша олмади... Ушанда мен Нева заставасининг нариги томонидаги Варгунининг яқинбаллик-кечки мактаби орқали алоқа боғлашга қарор қилдим. (Педагогик асарлар, 1 том, 36-бет).

Ишчилар ўзларининг ёш муаллимлари билан жуда тез интиқлашиб кетишди, унинг дарсларини эътибор билан тингларди, ўз фикр-ўйларини у билан ўртоқлашарди.

1893 йилнинг ёнда Петербургда Владимир Ильич Ленин келганида у «Смоленск синфлар»дан ишчирин революцион ишларни авай олдириш учун база, мактаб орқали кенг ишчилар оммаси орасига кириб борадиган имконият сифатида фойдаланаётган эди.

Н. К. Крупская «Волга бўйи»дан қандайдир жуда билимдон марксист» (Крупская. Ленин ҳақида хотиралар) келганлигини эшитиб қолди. Крупская Владимир Ильич билан илк бор 1894 йилнинг февралда Р. Э. Классон кватирасида бўлиб ўтган марксистлар йигинида учрашди. Манфаатлар умумийлиги ва биргаликдаги кураш уларни яқинлаштирди, тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қотишди.

Ушангил В. И. Ленин ўзининг «Халқ дўстлари» номлар ва улар соҳнал-демократларга қарши қандай курашадилар» деган машҳур асарини ёзди. Надежда Константиновна бу асарни Лениннинг ўз оғзидан эшитган кишиларнинг бири эди. «Муъжазгина хонада, хотирлайди у — бир неча киши ўтирарди. Ильич ўз нитобини халқ жон билан ўйлаб, биз уни тўқиллашиб тинглардик. Бу нитобда Владимир Ильич пировард максатини гоёт муҳимлигини, ишчилар ҳаракати бораётган йўлнинг гоёт муҳимлигини аниқка таъкидлаган эди» («Комсомольская правда», 1939 йил, 28 февраль).

(Давоми 2-бетда).



ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ТАШСЕЛЬМАШЧИЛАР ЗАФАРИ

«Ташсельмаш» заводига ана шу турдаги қороналарнинг Бутуниттифок социалистик мусобақасида тўқтинч қаватдан бўён сурунишга соврилли ўрин бериб келинмоқда. Бу қорона ўтган йилнинг тўртинчи қаватда ишчиларига буюноа СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрилик ҳамда машинасозлик қороналари ишчилари Касаба Союзи Марказий Комитетининг биринчи пуз мукофоти хамда кўча Кисил байроғини олтишга муваффақ бўлди. Қол кетти В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб

кутиб олди учун мусобақада қатнашиб, ўтган йилги пландан ташқари 170 минг сўмлик махсудот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди, фойда олди планини ҳам ортинг билан бажарди, анчагина электр қуввати ва металл тежаб қолди. Пахта тарадиган йилги машиналарини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш соҳасида кўпгина иш қилинди.

Бутуниттифок мусобақасида «Ташсельмаш» заводига «Кокандтекстильмаш» заводлари коллективларига учинчи мукофотлар берилди (ЎЗТАҒ).



«МАҚСАДИМ — доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўйига муносиб ҳиссамини қўйишдир».

дейди пойтахтнинг асосбозлиқ заводининг пешкадан ишчиси Ислам Пўлатов. У ўз юсак аҳлига яраша фидокорона меҳнат қилмоқда. Смена тоширининг мунтазам ошириб адо этмоқда. А. Тўраев фотоси.

БЎКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Бўка районининг азамат чорвадорлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан қутиб олди ва беш йиллик план тошириқларини муддатидан илгари бажариш мақсадида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, астойдил ишламоқдалар ва барча имкониятлардан унумли фойдаланимоқдалар.

Район чорвадорларининг буюғида илгўр хўжаликларда меҳнат қилаётган бурдоқчиларнинг катта ҳиссаси бор. «Партия XX съезди», «Гулестон» қолхозларининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини, ҳамма номли, «Ленин йўли», «Октябрь 40 йиллиги», Фрунзе номли, «Партия XIX съезди» қолхозларининг чорвадорлари эса ярим йиллик планни муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар.

Район қолхоз ва совхозларининг бурдоқчилари давлатга гўшт сотишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Кўни-кеча райондан хушхабар олди. Бўкалик чорвадорлар беш йиллик тўртинчи йилнинг дастлабки икки ойи ичида қаватал планини 103 процент адо этдилар. Эл дастурхонига 352 тонна гўшт тортиқ қилинди.



16 МАРТ
Ўзбекистон ССР
Маҳаллий Советларида
САЙЛОВЛАР
ҚИЛДИРИЛМОҚДА

Чилонзор районидидаги мактабгача ёшдаги республика педагогика билим юртининг катта ва шинам қилиб безатилган ўқув зали шу кунларда сайловчилар билан тавқум бўлмоқда. Бу хонага жойлашган 2-сайлов участкасининг агитпунктига маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар кунини 2 мингдан ортиқ сайловчи келиб ўз номзодлари учун овоз берадилар.

— Сергайрат агитаторларининг ташаббуси билан, —

ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

ОЛМАЛИҚ химия заводи қурилиш республикаиздаги энг зарбдор қурилишларнинг бири бўлиб қолди. «Алмаликвинестрой» трестининг олхиммат бунёдкорлари химия гигантини тескорлик билан барпо этишмоқда. Сўрада 2-куриниш бошқармасининг 2-участкаси бошлиғи Р. Зокиров (Ўғда) прораб С. Мамасолиев, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи З. Гимаев, «Стадьмонтаж»нинг 3-участка мастери Р. Носиров ўртоқлар билан биргаликда дойиҳада кўрсатилган асосий ва ёрдамчи объектларда қурилиш қандай бораётганини муҳокама қилмоқдалар. А. Абалов фотоси.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

деди сайлов участкасининг секретари Бинора Умлаёрова, — участка территориясида истиқомат қилувчи сайловчиларининг рўйхати ўз вақтида тўла-тўқис олиб бўлинди. Хозир рўйхатнинг сўнгги нусхаларини кўздан кеириб бўлдим. Улар агитпунктининг кўча кўринарли жойларига тартиб билан осиб қўйилди.

Участка сайлов комиссиясининг аъзолари чиқдан ҳам ҳар бир ишни ўз муддатида ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан олиб боришга, маҳаллий Совет сайловлари кунини пухта тайёргарлик билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда.

Агитпунктда деярли ҳар кунни эрта билан соат 9 дан кеч соат 10 гача агитаторларнинг навабчилиги белгилаб қўйилган. Билим юртининг юқори курс студентларидан иборат 79 киши ана шу сиёсий кампанияни уюшқоқлик билан ўтказиш, сайловчилар ўртасида ўтказилган суҳбат ва лекцияларнинг мазмунли бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

Комсомол агитаторлардан Татьяна Желтикова, Л. Фомина, Х. Хамидова, В. Исабоева, Н. Бобоева ҳамда Ш. Нажимова каби ёшлар сайловчилар ҳурматиға сазовор бўлишмоқда.

Шу билан бирга агитпунктда сайловчилар билан ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчилар, олимлар ва артистлар учрашуви ҳам ўтказилмоқда. Бундай учрашувлар, сайловчида яхши таассурот қолдиришмоқда. А. КИМ.

ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Янгида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиясининг навабдаги йигини бўлиб ўтди. Комиссия область ишлаб чиқариш-техника алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ М. В. Сергаевнинг сайлов округларини телефон алоқаси билан таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бақарилиши тўғрисидаги ахборотини сингилди.

Область соғлиғини сақлаш бўлими музирининг ўринбосари ўртоқ В. С. Ёлғашев маҳаллий Советларга сайловлар кунин сайловчиларга медицина хизмати кўрсатиш ва кўча аптекалар пункти иштини намунали ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирларни тапириб берди.

Комиссия ўзининг навабдаги йигинида областизимнинг барча шаҳар ва районларида сайловларга тайёргарликнинг боришини текшириш натижалари ҳамда Ангрен шаҳар ва Янгйўл район сайлов комиссиялари раисларининг ҳисоботларини эшитишга қарор қилди.



